

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.ФМ/Т.03.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ

АБДУЛЛАЕВ БОТИРЖОН ДАДАЖОНОВИЧ

**ҚУРҒОҚЧИЛИК ҲУДУДЛАРИДА ЕР ОСТИ СУВЛАРИНИНГ НЕФТЬ
МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ИФЛОСЛАНИШИ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА
УНИНГ МОНИТОРИНГ УСЛУБЛАРИ**

04.00.04 – Гидрогеология ва муҳандислик геологияси

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of the abstract of dissertation doctor of science (DSc)

Абдуллаев Ботиржон Дадажонович
Қурғоқчилик ҳудудларида ер ости сувларининг нефть маҳсулотлари билан
ифлосланиши хусусиятлари ва унинг мониторинг услублари.....3

Абдуллаев Ботиржон Дадажонович
Особенности загрязнения нефтепродуктами подземных вод аридных
областей и методики его мониторинга25

Abdullaev Botirjon Dadajonovich
Peculiarty of petroleum products groundwater pollution arid regions and methods
of its monitoring47

Эълон қилинган ишлар рўйҳати
Список опубликованных работ
List of published works.....50

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/GM6 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гидрогеология ва инженерлик геологияси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз-резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Шерфединов Лензи Зекерьяевич

Геология-минералогия фанлари доктори,
профессор

Расмий оппонентлар:

Иргашев Йўлдашбай

Геология-минералогия фанлари доктори,
профессор

Салохиддинов Абдулҳаким Темурхўжаевич

Техника фанлари доктори,
профессор

Хусанов Султанбой Тўхтаевич

Геология-минералогия фанлари доктори,
профессор

Етакчи ташкилот:

Сейсмология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.FM/T.03.04 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2018 йил «17» апрел соат 14⁰⁰ да ТошДТУ, бош биноси, 205-хонадаги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўчаси-2.Тел./факс: (998971) 227–10–32; e-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўч. 2. Тел: (998971) 226-46-00

Диссертация автореферати 2018 йил «4» апрел кунда тарқатилди.
(2018 йил «4» апрелдаги ___ рақамли реестр баённомаси)

К.А. Каримов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Н.Д. Тураходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

К.Н.Абдуллабеков

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, ф.-м.ф.д., академик

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё микёсида кенг кузатилаётган ер ости сувларининг нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши муаммосини ҳал этиш тадқиқотчилар олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Нефть ва унинг маҳсулотларини қазиб олишдан то истеъмолчига етказгунча йилига ўртача 100 млн.тоннадан ортиқ микдордаги нефть ва нефть маҳсулотлари йўқотилиши кузатилади. Йўқотилган нефть ва унинг маҳсулотлари турли сабабларга кўра геологик муҳитга етиб боради ва унинг ифлосланишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг атроф - муҳитга, жумладан, ер ости сувларига таъсирини янада кучайтиради ва геологик муҳитнинг нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши муаммосининг аҳамиятини оширади.

Бугунги кунда жаҳон микёсида ер ости сувларининг нефть маҳсулотларидан ифлосланиш жараёни бўйича илмий изланишлар олиб борилиши устувор йўналишлардан бўлиб, бу борада, жумладан, ифлосланиш ўчоқларини аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш, уларнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш ва мониторинг тизимини такомиллаштириш, ифлосланишни бартараф этиш технологияларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, курғоқчил ҳудудларда асосий ичимлик суви манбаи бўлган ер ости сувларини нефть маҳсулотлари билан ифлосланиш жараёнлари бўйича илмий изланишлар олиб бориш, уларни ифлосланишини бартараф этиш йўллари ишлаб чиқиш гидрогеология фанининг муҳим муаммолари ҳисобланади. Бу муаммо уларнинг ечимини топиш ер ости сувларини ифлосланишдан муҳофаза қилиш, ўз вақтида ифлосланиш ўчоқларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун қулай имкониятлар яратади.

Мамлакатимизда ер ости сувларининг ифлосланишини бартараф этиш бўйича бир қатор ишлар олиб борилмоқда, жумладан, йирик шаҳар ва саноат зоналарида ер ости сувларини ифлосланганлик даражасини аниқлаш, уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ ҳам «Одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш ..., атроф-табиий муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларнинг олдини олиш ...» бўйича вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, ер ости сувларини нефть маҳсулотларидан ифлосланишини тадқиқ қилиш ва уларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалиётга жорий қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон Фармони.

стратегияси тўғрисида»ги ПФ- 4947 сон фармони, 2017 йил 4 майдаги «2017-2021 йилларда ер ости сувлари назоратини кучайтириш ва ундан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги ПҚ-2954 қарорининг сони 2017 йил 24 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат Геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида ягона геология хизматини тузиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ- 3004-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 июндаги «Ер ости сувларидан фойдаланиш соҳасини тартибга солиш чора тадбирлари тўғрисида»ги 430-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VIII. «Ер ҳақидаги фанлар» (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш) устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

Геологик муҳитни нефть маҳсулотлари билан ифлосланишини аниқлашга йўналтирилган илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари жумладан: American Geosciences Institute, (АҚШ), Universidade Federal do Rio de Janeiro (Бразилия), Геоэкология институти (Россия), Украина Миллий Фанлар Академиясининг геология институти (Украина), КазГИДЭК корхонаси (Қозоғистон) ва «Гидрогеология ва инженерлик геологияси» институти, Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти, Ўзбекистон Миллий университетиде (Ўзбекистон) кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Дунёда геологик муҳитнинг нефть маҳсулотлари билан ифлосланишини ўрганишга оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: нефть маҳсулотлари сақлаш омборларидан суюқ ёқилғининг умумий ҳажмидан 0,1 фоизи сувли горизонтларга сизиб ўтиши аниқланган (American Geosciences Institute, АҚШ); биостимуляцияни фаоллаштириш ва бактериялар консорциуми кўллаш натижасида тупроқнинг рН-муҳити, азот ва фосфор миқдори ошиши аниқланган (Universidade Federal do Rio de Janeiro Бразилия); атроф - муҳитнинг нефть маҳсулотлари билан ифлосланиш қонуниятлари аниқланган (Геоэкология институти, Россия); нефть маҳсулотларини вертикал йўналишдаги тезлиги ҳисобланган (Миллий Фанлар Академиясининг геология институти, Украина), ер ости сувларида тарқалган мойли нефть маҳсулотларининг ҳажми баҳоланган (КазГИДЭК, Қозоғистон).

Дунёда геологик муҳитнинг нефть маҳсулотлари билан ифлосланишининг олдини олиш бўйича қатор устувор йўналишларда тадқиқотлар

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://www.Elsevier.com/locate/Inca>; <http://www.ngbenigpas.ac.cn>; <http://www.vsegingeo.ru>; <http://www.ingeo.uz> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

олиб борилмоқда, жумладан: ер ости сувларини нефть маҳсулотлари билан ифлосланиш даражасини баҳолаш; ер ости сувларини мониторинг тизимини такомиллаштириш; нефть маҳсулотлари билан ифлосланишдан ҳимоялаш тизимини ишлаб чиқиш; ифлосланишни камайтириш ва бартараф этиш технологиясини яратиш; нефть маҳсулотларини йиғилишини башоратлаш, унинг гомологларининг ҳаракатини баҳолаш усул ва услубларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда ушбу муаммо бўйича Россия, Украина ва бошқа хорижий давлатларнинг илмий муассасалари томонидан олинган илмий натижалари, ҳамда узоқ хориж давлатларининг очик умумлаштирилган ютуқларидан фойдаланилмоқда.

Ер ости сувларининг нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши муаммоси мамлакатимизда 1960 йилдан буён ер ости сувларини ифлосланишидан сақлаш ва уларнинг мониторингини юритиш муаммоларининг асосий қисмига айланган. Турли даврларда бу муаммонинг ечимига Н.Н.Ходжибаев, В.П.Волков, Б.Ф. Фармонов, Т.А.Расулов, В.Н. Пономарев, Р.А.Ниязов, М.Т. Турсунходжаев, М.М.Махкамов, Ю.И.Тарасов, Т.Я. Авулчаев, А.А. Несходимов, Е.Л. Девяткин, Р.М.Бегматов, Р.Э.Солиев Г.А.Мавлонов, Н.А.Кенесарин, А.С.Хасанов С.Ш.Мирзаев, В.Г.Самойленко, Л.З.Шерфединов, Б.Д. Абдуллаев Г.Л.Григорова, Р.А.Якубова, Н.И.Еникеев, В.В.Сергеев, Г.И.Карпизина, К.Р.Мингбоев, Т.М.Аликулов, Е.М.Семенов, Г.Н.Молтянер, Б.К.Слепцов, Э.И. Авдиева, Л.И.Хегай, С. Семенова, Р.И.Гольдштейн, В.Г.Конюхов ва бошқалар ўз хиссаларини кўшишди. Ўрганилаётган муаммо бўйича катта ҳажмдаги ахборотлар жамланган. Бундай ҳолларда унинг доираси ва сабабларини тушиниш ва тушинтириш керак.

Муаллиф томонидан сўнгги йилларда ер ости сувларининг нефть маҳсулотлари билан ифлосланишини ўрганиш бўйича Фарғона водийси ва Тошкент вилоятларида тадқиқотлар олиб борилган. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида бир қатор ер ости сувларининг ифлосланиш майдонлари ва уларни бартараф этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти илмий тадқиқот ишлари режасининг Ф8-ФК-0-18854 Ф8-007 «Гидрогеологик тизимларнинг шаклланиши ва ривожланиши бўйича замонавий илмий кўринишларни соддалаштириш» мавзусидаги фундаментал ҳамда А-7-027 «Ер ости сувларининг нефть маҳсулотлари билан ифлосланишидан ҳимоя қилиш усуллари ва технологияларини илмий кўриниш базаси долзарблигини такомиллаштириш» мавзусидаги амалий грантлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: қурғоқчилик ҳудудларида ер ости сувларининг нефть маҳсулотлари билан ифлосланишини ўзига хос хусусиятлари ва унинг мониторинг услубларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўрганилаётган ифлосланишнинг назарий тушунчаларни умумлаштириш ва уларга оид кузатув маълумотларини, унинг намаён бўлиш кўламини ва хавфини ўрганиш;

атроф - муҳитнинг очик термодинамик тизимларида нефть маҳсулотларининг деструкцияли тўпланишларнинг аҳамияти ва моҳиятини баҳолаш;

нефть маҳсулотлари билан ифлосланиш аренаси сифатида замонавий сув алмашинуви ва унинг компонентларининг хусусиятлари бўйича тасаввурни шакллантириш;

нефть маҳсулотлари билан ифлосланишининг таркибий қисмларини ўзгариши ва ҳаракатланишида ер ости сувларининг вазифасини аниқлаш;

нефть маҳсулотлари билан ифлосланиш бўйича локализация ва санация технологияларини мамлакат табиий муҳитига мослаштириш, шунингдек, унинг мониторингини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Фарғона водийсининг ер ости сув хавзалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети ер ости сувларини ва атроф - муҳитнинг бошқа компонентларини нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда гидрогеология, лаборатория (кимёвий-таҳлил), дала кузатув ишлари, эмпирик умумлаштириш, тизимли ёндашув ва бошқа бир қатор услуб ва қўлланмалардан фойдаланилган. Ер ости сувларининг нефть маҳсулотлари билан ифлосланганлик даражасини аниқлашда турли кимёвий таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор йирик бассейн таркибидаги (гидрогеологик тизимдан катта) замонавий сув алмашувининг структурали ярусидagi ер ости сувларининг нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши характерланган;

ўзгарувчан масса билан оқим модели шаклида нефть маҳсулотларининг ўзгариши ва ҳаракатининг янги версиядаги (таркибий қисмлари оммавий оқим ва маҳсулотлар оғирлиги билан ҳисобланади) модели ишлаб чиқилган;

катта Фарғона бассейни замонавий сув алмашув структурали ярусининг ер ости сув тизимларини кўрсатадиган, ифлосланиш манбаларининг жойланиши ва уларнинг сув объектларига таъсирини акс эттирган миқёси 1:200 000 ўлчамда янги услубдаги харитаси (схемаси) ишлаб чиқилган;

Фарғона водийсидан чиқаётган нефть маҳсулотларининг Сирдарёнинг ўрта оқими сувларига кўшилишининг балиқчилик хўжалиги учун мўътадил меъёрий кўрсаткичлардан ошиши зарарларининг аҳамияти баҳоланган;

кўриқланадиган объектларни ва ифлослантириш манбаларини биргаликда бошқариш имконини берувчи нефть маҳсулотлари билан ифлосланган ер ости сувлари тизимлари, ер ва сув манбаларини тозалаш ҳамда уларни мониторинг қилишни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

нефть маҳсулотлари билан ифлосланган майдонлар ҳолатини яхшилаш ва атроф - муҳитга таъсир қиладиган технологик зарарларнинг олдини олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

катта Фарғона бассейни замонавий сув алмашув структураси ярусининг ер ости сув тизимини кўрсатадиган, ифлосланиш манбалари жойлашиши ва уларнинг сув объектларига таъсирини акс эттирадиган миқёси 1:200 000 ўлчамда янги услубдаги ҳаритаси тузилган;

нефть маҳсулотлари билан ифлосланган ер ости сувларининг ҳолати бўйича мониторинг тизимининг модернизацияси ҳақида тавсиялар келтирилган. Нефть маҳсулотлари билан ифлосланган ер ости сув тизимлари, сув объектлари ва уларни мониторинг қилиш бўйича тавсиялар асосида ер ости сувларининг нефть маҳсулотлари билан ифлосланишини дастлабки босқичда аниқлаш ва уларнинг олдини олиш имконини берувчи оптималлашган тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Фарғона водийсида жойлашган ер ости сувларининг регионал мониторинги 100 дан ортиқ бурғу қудуқларидан, 28 та сув олиш иншоотларининг эксплуатацион бурғу қудуқларидан, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг локал мониторингини 170 дан ортиқ бурғу қудуқларидан олинган ер ости сувлари тўғрисидаги гидродинамик ва гидрогеокимёвий маълумотлар тадқиқот натижаларининг ишончлилигини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти атроф - муҳитни нефть маҳсулотлари билан ифлосланиш жараёни логикаси Ўзбекистон табиий шароитига мослаштирилганлиги, нефть маҳсулотларини массасининг ер ости сувлари оқимида ўзгаришининг илмий кўринишини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мамлакат ҳудудларда экологик хавфсизлигини таъминлаш бўйича якуний мақсадга етиш учун вақт ва ҳаражатларни қисқартиришдан иборат. Ер ости сув тизимлари ва сув объектларини нефть маҳсулотлари билан ифлосланиш ўрганишни мониторинг қилиш бўйича тавсиялар асосида ер ости сувларининг нефть маҳсулотлари билан ифлосланишини дастлабки босқичда аниқлаш ва уларнинг олдини олиш имконини берувчи такомиллашган тизимни яратиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Қурғоқчил ҳудудларда ер ости сувларининг нефть маҳсулотлари билан ифлосланишини тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ишлаб чиқилган ўзгарувчан масса билан оқим модели Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи МЧЖ амалиётида жорий этилган («Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2018 йил 13 мартдаги 02-14/1-26-1496-сон маълумотномаси). Натижада Фарғона вилоятининг Олтиариқ-Бешолиш ер ости сувлари конларининг мойли нефть маҳсулотлари билан ифлосланиш майдонларининг

4,5 км², эриган нефть маҳсулотларининг ифлосланиш майдонларининг 25 км² дан ошганлигини аниқлаш имконини берган;

нефть маҳсулотлари билан ифлосланган ер ости сув тизимлари, сув объектлари ва ерларни мониторинг қилиш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи МЧЖ амалиётида жорий этилган («Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2018 йил 13 мартдаги 02-14/1-26-1496-сон маълумотномаси). Натижада завод атрофи ер ости сувлари устидаги қалинлиги 1–1,5 метрдан иборат бўлган нефть маҳсулотлари қатламини 1 сантиметргача қисқартириш имконини берган;

катта Фарғона бассейни замонавий сув алмашув структураси ярусининг ер ости сув тизимини кўрсатадиган, ифлосланиш манбалари жойлашиши ва уларнинг сув объектларига таъсирини акс эттирадиган миқёси 1:200 000 ўлчамдаги янги услубда ишлаб чиқилган харита схемаси «Фарғона гидрогеологик экспедицияси» ДКнинг мониторинг объектларида жорий этилган (Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитасининг 2018 йил 9 мартдаги 04-640-сон маълумотномаси). Натижада ифлослантириш объектларининг локал мониторинги тизимини яратиш имконини берган;

нефть маҳсулотлари билан ифлосланган ер ости сув тизимлари, сув объектлари ва уларни мониторинг қилиш бўйича тавсиялар «Фарғона гидрогеологик экспедицияси» ДКнинг мониторинг объектларида жорий этилган (Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитасининг 2018 йил 9 мартдаги 04-640-сон маълумотномаси). Натижада ер ости сувларининг нефть маҳсулотлари билан ифлосланишини дастлабки босқичда аниқлаш ва уларнинг олди олишнинг такомиллашган тизимини ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари маъруза шаклида 9 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 56 илмий ишлар нашр қилинган. Улардан 1 та монография, 24 илмий мақола, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацион комиссияси томонидан докторлик диссертациясининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган 18 республика ва 6 та хорижий журнал мақолалар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 192 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва талабгорлиги асосланган, мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси илм ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилганининг тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён

килинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Нефть маҳсулотлари билан ифлосланишнинг кўриниши**» деб номланган биринчи бобида нефть ва нефть маҳсулотларининг физико - кимёвий хусусиятлари, уларнинг атроф - муҳит компонентларини ифлослантирувчиси эканлигининг сабаблари, нефть маҳсулотлари билан ифлосланишни ўрганиш, уларни локализация ва бартараф қилиш бўйича ҳорижий ва маҳаллий тажриба кўриб чиқилган. Нефть маҳсулотлари атроф муҳит – тупроқ ва геологик-структура тизими, ер усти ва ости сувлари, ер ости атмосфера қатлами ҳамда уларда яшовчи ўсимлик ва жонзотлар учун бегона моддалардир. Олдинги тарихий даврларда юқоридаги объектларда нефть маҳсулотларининг кларк концентрацияси фрагментар шаклда учраган бўлса, эндиликда индустриализация даврида турли зарарлилик даражаси бўйича меёрий кўрсаткичлардан ортиб кетиши кузатилади. Атроф - муҳит компонентларида нефть маҳсулотларининг сингиши ва йиғилиши жараёни унинг тизимлари учун хавфли ва зарарлидир, буни эса улар билан ифлосланиш деб таъкидласак ҳам бўлади. Нефть маҳсулотлари йиғилишининг деструкцияси нефть маҳсулотлари билан ифлосланишнинг муҳим омилдир. Нефть маҳсулотларининг йиғилиши технологик йўқотишлар, авариялар ва бошқа сабабларга кўра ҳосил бўлади. Уларнинг геологик муҳитнинг сувли қатламида йиғилиши ер ости сувларининг ифлосланишига сабаб бўлади.

Ер ости сувларининг нефть маҳсулотлари билан ифлосланиш муаммоси дунёнинг кўп мамлакатлари тадқиқотчиларининг диққатини жалб қилди. Охириги йилларда геологик муҳитнинг углеводородлар билан ифлосланиши билан боғлиқ жараёнларни ўрганишга бағишланган кўп маълумотлар чоп қилинган. Ер ости сувларининг нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши ҳақида энг кўп маълумотлар В. Пеликан (1975, 1978, 1983,1984); Т.Р. Harper (1976); Н. Schmidt, О. Heimann (1977); J. Sumbal (1978); Л. Зилиокс (1978,1982,1984); В.М. Гольдберг (1978,1984); Б.В. Боревский (2005); Ж. Фрид (1979); В.М. Гольдберг, С. Газда (1984); Я. Шовма (1984); Т.Я. Авулчаев (1990,1991); М.М. Махкамов (1990); Н.И. Еникеев (1990,1993,1995); В.М. Лукьянчиков (1990,1991); В.В. Сергеев (1993,1995); В.А. Мироненко ва Н.С. Петров (1995); И.С. Пашковский, Д.В. Коннов (2002); Н.С. Огняник, Н.К. Парамонов ва бошқалар (2006,2013); К.Р.Мингбоев (2012); Б.Д. Абдуллаев (1998, 1999, 2000, 2015, 2016,2017), Л.З.Шерфединов (2015,2016) ва бошқа кўпгина тадқиқотчиларнинг ишларида акс эттирилган.

Ер ости сувларининг техноген углеводородлар (нефть ва нефть маҳсулотлари) билан ифлосланишига боғлиқ кўп далилларга қарамай, унинг атроф муҳитнинг гидрогеологик (гидрогеохимик) жараёнига бўлган миқдорий ва салбий оқибатлари ҳозирги кунга қадар тўлиқ ўрганилмаган, айниқса, тегишли равишда умумлаштирилмаган. Ўтказилган таҳлиллардан келиб чиқадики, сув объектларининг нефть маҳсулотлари билан

ифлосланиши Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмаган дунё муаммосидир. Ўзбекистонда нефть маҳсулотлари билан ифлосланишга қарши кетаётган кураш ўнлаб йиллар давом этмоқда, лекин бу феномен миқёси тобора ортиб бормоқда ва локал объектлардан кенг майдонларга тарқалмоқда. Сув объектларининг нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши «ривожланиш» характеридалиги уларнинг мониторингида кузатилди, аммо ҳеч қандай илмий изоҳ олинмаган. Шубҳасиз, мамлакат табиий шароитларининг ўзгарганлиги ва экологик-ижтимоий муҳитни ҳисобга олсак, ушбу муаммони илмий-амалий томондан тушуниш ва изоҳлаш долзарб ва муҳимдир.

Ер ости сувларининг сатҳига аэрация зонаси грунтлари орқали ўтган нефть маҳсулотларини топиш, ташиш, қайта ишлаб чиқариш ва сақлашда йўқотишларни баҳолаш, энг устувор вазифалардан саналадиган, кенг миқёсли ихтисослаштирилган тадқиқотларни талаб қилади.

Диссертациянинг «**Нефть маҳсулотлари билан ер ости сувларининг ифлосланишини илмий кўринишининг ва улар билан ўзаро таъсирдаги табиий муҳитнинг ўзига хос хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобида геологик муҳитнинг нефть ва нефть маҳсулотларини ўтказиш кинетикаси, уларнинг йиғилишлари шакли, ҳаракати ва тарқалиши, геологик муҳит объектларининг ва ер ости сувларининг нефть маҳсулотлари билан ифлосланишининг, уларни ҳосил бўлишининг хавфлилиги тасвирлаб берилган.

Нефть ва нефть маҳсулотларининг ўтиш кинетикаси уларни геологик муҳитга сингиши, аралашиб кетиши, унда ҳаракатланишдан ва чиқариб ташланишдан ташкил топган. Сингдирилиш ва чиқариб ташлаш катта сарфлар билан, иммобилизация ва ҳаракатланиш – субстанцияларни умумий массаси билан тавсифланади.


Геологик муҳит сиғиш ва жой-вақт кўрсаткичлари билан характерланади, ўтказиш жараёнларининг майдони сифатида намоён бўлади.

Субстанцияларни сингдириш (киритиш) ва чиқариб ташлаш (олиб чиқиш) кўрсаткичлари мувозанатланган, уларнинг ҳар хиллиги субстанцияларнинг массаси бўйича бошқа агрегат ҳолатларга ўтишини таъминлайди.

Нефть субстанцияларининг масса ўтказиш кинетикаси ўзгарувчан масса оқими модели шакли схемада кўрсатилган (1 расм).

Ушбу босқичлар геологик муҳитга (I) «суюқ» (қайишқоқ) агрегат ҳолатда тушади, «ўтказиш»нинг (миграция) ўзи фазали ўтишлар орқали рўй беради, (II), учувчан фракциялар (III.a) чиқиши (йўқолиши) ва қаттиқ (пластик) ҳамда суюқ фазаларда парли бўшлиқларда (III.б) йиғилиши (иммобилизация) жараёнда, қаттиқ фазадан эрувчанга ўтиши ва қайтиб ўтиш (III.в), суюқ агрегат ҳолатда ва эрувчан шаклларда геологик муҳитдан чиқиб кетади (IV).

Юқоридаги ҳолатлар бўйича нефть маҳсулотларининг геологик муҳитда модел элементлари билан ҳаракатланиш шаклларининг ўзаро муносабатлари кўриб чиқилди.



1-расм. Масса оқими модели схемаси.

Нефть маҳсулотларининг геологик муҳитдаги ҳаракатланиш шакллари, оқувчанликка (ҳаракатчанлик) хос бўлиб, фазали суюқ ҳолати билан боғланади. Нефть маҳсулотларининг қалинлиги ер ости сувларида (сатҳ устида еки пастада) уларнинг йиғилиш диспозициясини белгилайди.

Нефть маҳсулотларининг ҳаракатланиш шакли В.М. Гольдберг ва бошқалар (2001) нефть маҳсулотларининг ҳаракатланишига кўра геологик муҳитдаги нефть маҳсулотларини аниқлашнинг 9 асосий шаклини кўрсатади. Ўз навбатида бу шакллар суюқлик шаклидаги нефть маҳсулотларининг сув ва тоғ жинслари билан ўзаро таъсири орқали ва уларнинг йиғилишида қуйидагилар фарқланади: газли ва томчи-пенкали нефть маҳсулотлари шапкалари; пенкали ва капилляр-осма суюқ нефть маҳсулотлари; нефть маҳсулотларидан капилляр кайма; йиғилган нефть маҳсулотларидан суюқ қатлам; нефть маҳсулотлари билан ифлосланиш ер-грунт қатлами кабилар фарқланади.

Нефть маҳсулотларининг йиғилиш шакллари геоморфологик, геолого-структур ва иқлим шароитлари билан, муҳими, ифлосланиш манбалари куввати ва регламетлари, маҳсулотлари ўзаро боғлиқ ҳолда аниқланади.

Аэрация зонасида нефть маҳсулотлари йиғилиш шакллари - бу ифлосгарчилик билан осилиб турган турлари бўлиб, зарарланган муҳитнинг «ядриси ва асосий қисмлари» бўлиши мумкин.

Ер ости сувларида нефть маҳсулотлари йиғилиш шакллари – бу уларнинг сатҳида сузиб юрувчи қатламлар ва енгил ҳаракатланувчи пенкалар турлари, сув ташувчи қатламлардан эритилган ва эмульгирланган нефть маҳсулотлари ҳамда – оғир нефть маҳсулотлари қатлами ҳисобланади.

Сув объектларида нефть ва нефть маҳсулотларининг тўпланиши деструкция - «крекинг»га учрайди. Сув устига (ёки тупроққа) нефть

тушганида пайдо бўладиган деструкциянинг энг кучли омили – бу учувчи фракцияларнинг буғланишидир. Сув ҳавзаларида буғланиш даражасини сув ҳарорати, шамол ва тўлқин шароитлари ҳамда сув юзасидаги интенсив оқим назорат қилади.

Геологик (умум атроф) муҳитнинг нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши нефтни технологик йўқотишлар оқибатида бўлади. Йўқотишлар шакли ва ҳажми ҳар хил бўлган нефть маҳсулотлари тўпланишларини пайдо қилади. Очiq термодинамик муҳитда нефть маҳсулотлари уларни ташкил этувчи гомологларига парчаланани, аниқроғи улар буғланадиган (газ), йиғиладиган (қаттиқ ва пластик таналар), ўтадиган (суyoқ ва/ёки эритилган) фазали ўтишларга учрайди.

Углеводородлар ҳар бир фаза ва шаклда атроф муҳитга таъсир қилиш характери бўйича биринчи ўринда, биоценоз ва уларни сиғдирувчи геотоплар (биотоплар, экотоплар) учун хавфлидир.

Маҳсулотлар парчалари нефтларни «крекинги» оқибатида, шу жумладан, нефтни қайта ишлаш ва нефть-кимё саноати чиқиндиларида токсинланган ва кам токсинланган бўлмасида ифлосланиш хавфида муҳим аҳамият касб этади. Юзадаги нефть маҳсулотлари йиғилишлари массаси тонналарда ўлчанади, юқори токсинланган ингридиентларнинг меъёр даражаси – бир куб сув дециметрига микрограммлардир. Албатта, ҳамма масса ер ости сувларига сингиб кетмайди, аммо бу сув билан эриб кетадиган ва ўтадиган қисми ҳам уни хавфли ва ўта хавфли моддага айлантиради. Кўриниб турибдики, бу ўзгаришларнинг эҳтимоли катта. У ёки бу вазиятнинг, ҳаттоки хавфли (ва зарарли), пайдо бўлиш эҳтимоли агарда фоизларда баҳоланса, ишонарли ҳисобланади (Гольдберг В.М. ва бошқалар 2002).

Шуни таъкидлаш кераки, нефть маҳсулотлар билан ифлосланишнинг локал объектлардан регионал объектлар даражасигача тарқалиши сув ҳавзалари ва сув оқимлари, тупроқ ва грунтлар, массив грунтлар ва ёриқ сувларнинг очiq термодинамик ҳолатида парчаланган нефть маҳсулотларининг токсик даражаси трансформация вақтида ўсиши натижасида асосан масштабли таъсирлар билан баҳоланади. Геологик муҳит ва ер ости сувлари объектларини нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши ер ости сувларининг ҳаракати билан ягона табиий тизимда аниқ ва узвий боғлангандир. Ер ости сувларининг нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши далилларида парадоксни қайд қилмасликнинг иложи йўқ: замонавий иқтисодиёт учун фойда – унинг энергетик асоси, зарар, агар у тўхтатиб қолинмаса барча тирик жонзот учун, хавфлидир.

Аслида, нефть маҳсулотларининг табиий муҳитда сингиши ва ҳаракатланиши муҳитнинг ифлосланишига сабаб бўлади, кўриладиётган вазиятнинг умумий илмий кўриниши шуни кўрсатиб турибди.

Диссертациянинг «**Нефть маҳсулотларининг маҳаллий тўпланишини тадқиқ қилиш ва бартараф этиш бўйича тажрибаларини умумлаштириш**» деб номланган учинчи бобида Фарғона ва Олтиариқ НҚИЗ таъсиридаги маҳаллий майдонларда ҳосил бўлган ер ости

сувларининг нефть маҳсулотлари билан ифлосланишини ўрганиш натижалари кўриб чиқилган.

Тошлоқ туманида ер ости сувларининг нефть маҳсулотлари билан ифлосланганлиги 1976 йилда аниқланди. Фақат 1982 йилнинг май-июнь ойларида УзССР Вазирлар Кенгашида уни ўрганиш ва курашиш масаласи кўриб чиқилди. Кейинчалик махсус олиб борилган ишлар натижасида кичик кудуқлар ва хўжалик-ичимликка мўлжалланган ғовакларнинг нефть маҳсулотлари билан ифлосланганлиги сабабли оммавий фойдаланишга яроқсизлиги аниқланди. 1982-84 йиллар тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, ёғ шаклидаги нефть маҳсулотларининг ифлосланиш доираси ифлосланиш кенглиги 1 км ортиқ бўлган ФНҚИЗ шимолидан 2 км дан ортиқ масофага тарқалган. Ер ости сувларининг устида сузиб юрувчи нефть маҳсулотлари қатлами қалинлиги 3 метрдан ошиб кетган. Ифлосланиш сабаблари деб нефть маҳсулотларининг ФНҚИЗ майдонидан оқиб кетиши топилди, 1984 й. кузида ифлосланиш доираси узунлиги 2,7 км, кенглиги – 2,5 км етди, ер ости сувларининг устида сузиб юрувчи нефть маҳсулотларининг умумий майдони – 4,9 км² ташкил қилди. Ер ости сувлари юзасидаги мойли нефть маҳсулотлари ҳажми 1 млн.м³ баҳоланди (расм. 3.).

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи фаолияти натижасида - атроф муҳитнинг ифлосланишини баҳолаш бўйича ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, биринчи навбатда, улар: қуйиш-қуйиб ташлаш жараёнида (қуйиш ва қуйиб чиқариш темир йўл станциялари)нефть маҳсулотлари қуйилиб кетиш қисмларида ишлаб чиқарилган майдонда аэрация зонаси грунтлари; ер юзидан биринчи ер ости сувлари босимсиз қатлами – ер ости сувларига таъсир қилади.

Аэрация зонасининг ифлосланиши нефть маҳсулотларини кучли ўтказувчи грунтлар орқали пастга оқиб кетиши оқибатида ва сувли қатламга тушади ва ушбу жараён асосан резервуар парк майдонида рўй беради. Нефть маҳсулотлари пленка шаклида грунт сувларининг сатҳига тушиб, заводнинг шимолий қисми ва ташқарисидаги литологик барьерларда йиғилади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, ўтиш зонаси ва нефть маҳсулотлари йиғилган сизот сувлари сатҳида нефть маҳсулотларининг пленкаси бор ҳолатда, сув сатҳи ўзгариш амплитудаси аэрация зонаси ифлосланишининг иккиламчи қатлам қалинлигини аниқлаб беради. Осилган ва шимилган нефть маҳсулотлари турлари билан ифлосланган грунтлар ер юзидан атмосфера ёғини ва суғоришдаги синишлар ҳамда сув сатҳини тошқин вақтида кўтарилишида грунт сувларининг ифлосланишининг иккинчи манбаси ҳисобланади.

Сизот сувлари ифлосланишининг энг хавфлиси ифлосланган қисм (завод территорияси) чегарасидан анча тез ва кенг тарқалиб кетади. Грунт сувлари сатҳининг ўзгаришлари нефть маҳсулотларининг оқиб кетиш шакли ва йиғилиш жойини белгилаб беради.

2008-2016 йиллардаги кузатув маълумотлари грунт сувларида майдон 4- 10,2 марта кўпайиб кетганлигини кўрсатади. Завод майдонидаги сув сатҳи баланд вақтда (август-сентябрь), грунт сувларида эриган нефть маҳсулотлари

кўпайиб кетиши аниқланди (скв. №7н), бу эса аэрация зонаси грунтларининг ифлосланиш калинлигининг кўпайишига олиб келади. Нефть маҳсулотлари билан тўйинган грунтлар ифлосланиш завод ташқарисида, грунт сувларини ифлослантирувчи иккиламчи манбаси ҳисобланади. Аэрация зонаси грунтларининг ифлосланиш даражаси ва калинлиги сув сатҳини йиллик ўзгаришига боғлиқдир. Грунт сувларида нефть маҳсулотларининг эритилган шакллари таркиби майдони вақт мобайнида нотўғри тарқалганлиги аниқланди: у тошқин вақтида ортади, 2008 йилга нисбатан камайиши кузатилди.

Кўрсатилган участка бўйича, ер ости сувларининг нефть маҳсулотлари билан ифлосланиш жараёни камайиш тенденцияси ва турғунлашиш жараёни кетмоқда.

Таҳлил жараёнида аниқландики, ифлосланиш сувда эриган нефть маҳсулотларининг мавжудлиги билан тўғридан тўғри боғлиқ бирламчи ва ер ости шароитида углеводородларни химик трансформацияси билан боғлиқ иккиламчи кўрсаткичларга бўлинган. Окидланиш ва углеводородларнинг биологик деградацияси жараёнида сув таркибини иккиламчи кўрсаткичлари ҳосил бўлади. Нефть маҳсулотлари билан ифлосланган ер ости сувлари атроф муҳитнинг деярли нейтрал реакциясида перманганат (<5 мг/л) ва бихромат (<15 мг/л) окис қийматининг кўтарилиши, ва окидланиш-тикланиш салоҳиятининг <15 мВдан паст қиймати билан ҳарактерланади. Сувда топилган элементлар ва боғланишлар комплекси фон аҳамияти билан таққосланганда юқори – аммоний ионлари, эркин азот, углекислоталар, темир ва марганец – геологик муҳитнинг нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши мультипликатив самараси эҳтимоли мавжудлигидан дарак беради.


Ўрганилаётган худудда кўп йиллик кузатувлар натижасига кўра, учта асосий режим ҳосил қилувчи омиллар топилди:

Тоғлиқлардан оқиб келувчи ер ости сувлари сатҳининг «баланд» ҳолати августнинг иккинчи ярмида Бешолиш конуссимон ётқизиқлари майдонига етиб келиши ва ушбу кенглик бўйича сув ҳажмининг 45-50% ни ташкил қилади.

Иккинчи режим яратувчи муҳим омил – суғоришда йўқоладиган сув оқимлари (суғориш тармоқларидаги ва суғориладиган майдонлардаги йўқотиш). Нефть маҳсулотлари қатлами ривожланиш областларида ушбу омил аҳамияти ер ости суви баланси кирим қисмининг 25-40% ни ташкил қилади.

Учинчи муҳим омил – баҳор-ёз тошқинлари (май-июнь) ва юқорида жойлашган майдонларни суғориш – 12-15% ни ташкил қилади.

Ҳамма кузатилаётган қудуқлар бўйича апрелдан августгача ва сентябрда сув сатҳининг ўта тез кўтарилиши, сентябр охиридан февралгача, мартда эса пасайиши қайд этилди.



3 расм. Тошлоқ участкасида мойли нефть маҳсулотлари билан ифлосланган грунт сувларининг тарқалиш доираси

1 –гурухли сув олиш иншоатининг бурғу қудуғи, 2 – якка кузатув бурғу қудуғи, 3 – тозалвш иншоатининг II навбати бурғу қудуқлари, ифлосланишнинг тарқалиш доираси: 4 –1984 йил., Т.Я.Авулчаев маълумотлари бўйича, 5 –1988 й Т.Ю.Тарасов маълумотлари бўйича, 6 – 1993 й., 7 – 1996 й., 8 – 2002 й., 9 – 2008 й., 10 – қўтарилиш зонаси чегараси, 11 – ариқлар, 12 – темир йўл, 13 – аҳоли пунктлари, 14 –ФНҚИЗи ҳудуди чегараси.

Нефть маҳсулотлари қатламининг ўзгариши сув сатҳи тебранишларига ҳар хил участкаларда хилма-хилдир. Грунт сувлари юзасида сузиб юривчи нефть маҳсулотларининг тарқалиш майдони чегарасида учта зонани қайд қилиш мумкин (тушиш, оқиб ўтиш ва йиғилиш). Бу нефть маҳсулотлари қатлами динамикаси грунт сувлари даражаси тебранишларидан ташқари, сиғдирувчи тоғ жинсларининг турличалиги ва ифлосланиш манбалари бош тушишлари билан боғлиқдир.

XX асрнинг 80 - йилларида ифлосланиш манбаи, унинг фаолияти тушунчалари ҳақида олинган гидрогеологик маълумотлар, ҳимоя чораларини ишлаб чиқувчи ва директив органларни нефть маҳсулотларини ушлаб қолувчи қудуқлар тизимини танлаш ва ташкиллаштиришга ундади. Шундай йўл билан сув ва нефть олувчи, кузатув қудуқлари иборат тутиб қолиш тизимининг биринчи навбати ишлаб чиқилди ва қурилди. Жанубий-Фарғона магистрал канали (ЖФК) ва ФНҚИЗ орасида жойлашган тутиб қолиш тизимининг биринчи навбатини қудуқлари суяқ углеводородлар оқимини қудуқлар майдони бўйлаб батамом тортиб олиш имконини бермади. Тортиб олиш тизимининг қўзда тутилган иккинчи навбати модели ишлаб чиқилди, бироқ у амалга оширилмади.

Нефть суяқ фракцияларининг тортиб олишга ва қайта ишлаб чиқариш учун қайтаришга мўлжалланган учинчи навбатни қурилиши билан тизим ташкиллаштириши деярли тугади. Ушбу тизим депрессив воронкани ҳосил қилиш ва шу асосида мойли нефть маҳсулотлари тортиб олишга мўлжалланган. Ушбу тизим фаолияти мойли нефть маҳсулотларини тортиб олишга мўлжалланганлиги сабабли ер ости сувларини эриган нефть маҳсулотлари билан ифлосланишини қисқартириш жараёни кузатилмади. 2016 йил ноябр-декабрларида заводнинг атроф муҳитни ҳимоя қилиш бўлими маълумотларига кўра нефть маҳсулотларининг концентрацияси сув олиш қудуқларида 0.04 дан 1.37 мг/л гача ўзгарган, ўртача эса 0.3-0.4 мг/л ташкил қилади.

«Ифлослантирувчи тўлайди» нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, атроф муҳитни ҳимоялашнинг замонавий талабларига кўра ФНҚИЗни нефть маҳсулотларини йўқотишларининг тўлиқ бартараф этиб етишиш мумкин. Бу масалани завод худудида «нефть йиғувчи поддон» барпо этиш йўли билан ҳал қилиш мумкин бўлади.

Ер ва сувлар рекультивацияси масаласини ҳам атроф муҳит компонентлари – ер усти, аэрация зонаси, ер ости сувлари ва сув сиғдирувчи жинсларни биргаликда тозалаш йўли билан ечиш мумкин. Атроф муҳит компонентларидаги нефть ва унинг маҳсулотлари неорганик ёки органик озонидлар турларининг киритиши билан оксидланиши мумкин. Нефть маҳсулотлари билан ифлосланишини рекультивация муаммоси – фанлар аро муаммо бўлиб, уни ечимини топиш учун илмий ва лойиха гуруҳини ташкиллаштиришни, лаборатория, тажриба-ишлаб чиқариш тадқиқотларни умумлаштиришларини талаб қилади.

Аммо, ер ости сувлари ва атроф муҳитни бошқа компонентларини ФНҚИЗ томонидан нефть маҳсулотлари билан ифлослантираётганлигига далиллар мавжуд. Бу узоқ вақт давомида кузатиляпти, уларни бартараф қилиш ва локаллаштириш бўйича узоқ вақт чора-тадбирлар кўриляпти. Аммо объектив ва субъектив сабабларга кўра локализация таъсир доираси чекланган. Сабаби, нефть маҳсулотлари билан ифлосланишини локализация бўйича ташкил қилинган тадбирларнинг илмий ва методологик асослари етарлича эмаслигигададир. Нефть маҳсулотлари билан ифлосланиш жараёни илмий кўриниши маҳаллий геологик, гидрогеологик, гидрологик ва техноген шароитларга мослаштирилмаганлиги ҳам бунга тўсиқ бўлади. Локализация

бўйича тадбирлар муваффақиятсизлигининг асосий сабабларидан яна бири тортиб олинган нефтни қайта ишлашдан кутилаётган фойданинг камлигидадир. Аммо бу фойдани аҳоли соғлиги, сув манбаалари ва ер майдонларига етказиладиган зарар таққослаб бўлмайди. Бундан ташқари, нефть маҳсулотларини сузиб юрувчи шаклларини бартараф этиш кўп харажатли тадбирдир. Атроф муҳит муҳофазасида биринчи навбатда унинг зарарли компонентларни санациясига (тозалаш) қаратиш керак, кейин эса – мониторинг олиб бориш ва зиддиятларни бартараф этиш лозим. Бу борада локализация – мақсадга етиш босқичи ҳолос.

«Ер ости сувларини нефть маҳсулотлари билан ифлосланиш минтақавий ҳолати (Фарғона бассейни мисолида)» деб номланган тўртинчи бобда Фарғона водийси замонавий сув алмашув тизими ва характери тасвирлаб берилиб, у замонавий сув алмашув, ер ости сув ташувчи тизимини ташкил этади. Улар коледонит ва герцинид сув ёриғлари, грунт массивлари ва киммерид ва альпид қатлам сувлар бассейни, грунт ва неотектонид сув қатламлари массивларидан иборат. Ер ости сувларининг юқори ярус массивлари ва бассейнлари планда поясларга тақсимланган ва баландлик фарқи 1500 м этади. Шунга кўра замонавий сув алмашув ер ости сувлари тизими дарё ва коллектор-дренажларга оқиб чиқади. Фарғона водийси ер ости сув ресурсларини баҳолаш шуни кўрсатадики уларнинг дарё оқимиغا таъсири кучлидир.

Фарғона водийси ер ости сув ресурсларини баҳолаш уларни дарё оқимиغا ҳиссаси юқорилигини кўрсатади. Шундай қилиб тоғ массивларида тахминан $7,2 \text{ км}^3/\text{йил}$ ер ости сувлари шаклланади, улардан $6,2 \text{ км}^3/\text{йил}$ дарёларга қуйилади (Ўзбекистон ирригацияси, II. т., 45 б.). Водийнинг суғориш массивларида ва бошқа ўзлаштирилган майдонларда ер ости сув ресурслари $16,5 \text{ км}^3/\text{йил}$ баҳоланган бўлиб, (Ўзбекистон ирригацияси, II. т., 45 б.), улардан тахминан $9,3\text{-}10,0 \text{ км}^3/\text{йили}$ қайта ҳосил бўлади, эвапотранспирацияга сарфлангандан сўнг коллектор-дренажлар орқали дарёларга ташлаб юборилади. Водийнинг худудида ҳосил бўлган ер ости сувлари ҳажми билан ва чиқиб кетиш ҳажмининг фарқи эвапотранспирация туфайлидир.

Том маънода ҳосил бўлган ер ости (аникроғи, сизот) сувлари, транспирация қиёфасида ишлатиладиган, ишлов бериладиган ерларни сув билан таъминлайди. Шунинг учун транспирацияга сарф килинадиган грунт сувлари – ҳосил олишга йуналтирилгандир. Фарғона водийсида суғориладиган ерларининг майдонини ошиши натижасида сизот сувларини тарқалиш доираси кенгайиши ҳам эскидан суғориладиган, ҳам янгидан суғориладиган майдонларни захлаш жараёнига сабаб бўлди. Бу ҳолатда паст адирларни суғорма деҳқончилик учун ўзлаштириш алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу ерда грунт сувларининг ҳосил бўлиши тоғ жинсларининг ер юзасини яқин қатламлари диагенез ўтиш режимини субаэралдан акваэралга ўзгартирди. Адирларни бундай ўзлаштирилишни бошланишида тўпланган нефть маҳсулотлари ва углеводородларни бошқа турларининг асосий қисми иммобилизация ҳолатида бўлади. Тўпланган нефть маҳсулотларининг оқими

локал характерга эга бўлиб, юзлаб квадрат метрларда, айрим ҳолатда квадрат километрларда ўлчанади.

Тўпланган нефть маҳсулотларининг сувга тўйиниши, уларнинг ювилишига ва ишқорсизланиш, эриш, оксидланиш, гидролиз ва бошқа физик-химик таъсирлар натижасида сув муҳитига қўшилишига олиб келди. Эриган ва эмулсия шаклидаги нефть маҳсулотлари грунт сувлари оқими билан бирга маҳаллий ва минтақавий базислари томон ҳаракатланади. Грунт сувлари оқимининг унинг юқори қатламидан маҳаллий базисларга суғорма деҳқончилик ерлар шароитида етиб бориши суғоришлараро вақтга ёки ундан кам вақтга (худудий сув айргичдан худудий дренажгача), айрим ҳолларда суғориш мавсумига тўғри келади. Шундай қилиб, тоғ олди майдони грунт сувлари регионал дрена – (бизнинг ҳолатимизда Сирдарёгача) асрий ноноцикли (60 йил) ёки геосекунд (200 йил) да етиб боради (регионал сув алманизуви зонаси бўйича). Лекин нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши регионал дренага сизот сувларининг бир массивидан (юқори) иккинчисига ўтиши туфайли бирмунча тез етиб боради. 2-3 гидрологик йилда рўй берувчи бундай айланиш бассейн ичидаги сув алмашинувини кичик даврларини баҳолайди.

Албатта, ФНҚИЗ Фарғона водийси сувларининг нефть маҳсулотлари билан ифлослантирувчи йирик ер усти манбаалардан, қолганлари эса– бир неча бора кичик ёки жуда кичик ҳисобланади. Улар, жанубий, шарқий ва ғарбий-шарқий тоғ ёнбағирларида кузатилади. Нефть маҳсулотлари, углеводороддан ифлосланиш манбаи ҳисобланиб, нефть метаморфизация қаторида табиий маҳсулот бўлиб юзага келади: мальталар → асфальтлар → асфальтитлар → керитлар → оксикеритлар → гуминокеритлар. Бу қаторга антраксолитларни–кўмирларни метаморфизацияси юқори даражали битумини ҳам қўшиб қўйса бўлади. Минтақада ёки Норин дарёси ва Сирдарё сув йиғиш майдонларида кўмир конлари борлиги маълум ва улар ишлаб чиқарилмоқда. Ароматик углеводородлар (феноллар) нефть конларига ишлов беришдан олдин ҳам дарё сувларида бўлган.

Гипергенез зонасидаги углеводородлар оксидланиб ва смолланиб, жинсларни ва битум ҳосил бўлган худудларни захарланишига сабаб бўлмоқда. Углеводородлар сув муҳитида гидрогенизацияга учрайди – ёки тикланиш реакциясига, ҳамда гидрооксиллар билан гидролизга –бирлашади. Баён қилинган маълумотлардан келиб чиқадики, углеводородлар билан ифлосланиш спектр манбаи анча кенг ҳамда нефть ва нефть маҳсулотларини локал объектларда технологик йўқотишлари билан чегараланиб қолмайди. Айниқса, сувларнинг углеводородлар билан ифлосланиши узоқ вақт давом этади. Барча ҳолатлар, Фарғона водийси ва унга қўшилган ер ости сув тизимлари сув алмашув аренаси сифатида ифлосланиш минтақавий даражада намоён бўлади. Ер ости сувларининг углеводородли ифлосланиши ҳар хил даражада водийнинг ҳамма жойда, нефть маҳсулотларини таъминлаш объектларида, айниқса улар кўплаб жойлашган урбанлашган худудларда мавжуд бўлиб, грунт сувларини (юқоридан биринчи қатлами) нефть маҳсулотлари билан ифлослантираётгани

аниқланди. Йирик экологик хавфлардан бири нефть маҳсулотларининг енгил фракциялари (бензин, керосин ва бошқа) билан ифлосланиши ҳисобланади, уларни сув оқими билан актив ҳаракатланишига мойиллиги ўта юқоридир.

Водий ер ости сувлари сифати мониторингининг ҳозирги маълумотларига кўра ушбу ифлосланиш тури минтақавий ҳарактерга эгалигидан далолат беради. Ифлосланиш ореалларини ҳудуди уларнинг манбаалари майдонларидан бир неча бор ортиқдир. Нефть маҳсулотларининг эриган шакллари хўжалик ичимлик сув таъминотида ишлатиладиган, асосан 100 м ошиқ чуқурликдаги сувли қатламида, меъёрий концентрациялардан (истиснодан ташқари) ошмайди. Аммо, нефть маҳсулотлари билан ифлосланган аэрация зонаси ва ер юзасдан биринчи қатламида 50 метр чуқургача жойлашган сизот сувлари қатлами ифлосланишнинг тарқалиш ареали буйича барча ўсимлик ва хайвонот оламига зарар келтиради. Нефть маҳсулотлари билан ифлосланган ер ости сувларининг ўзи уларга қарашли сув объектлари учун ифлосланиш манбаи ҳисобланади. Шунингдек, нефть маҳсулотлари билан ифлосланган ер ости сувлари буғланиш орқали ер ости атмосфера қатламига токсикант-газларни чиқариб барча тирик жонзотларга зарар келтиради. Сув объектларидаги вазият пайдо булиш хавфи билан эмас, балки хавфлилик даражаси билан ҳарактерланади. Ифлосланиш хавфи даражаси нефть маҳсулотлари манбаининг техник ҳолати билан аниқланади. Манбаининг бундай ҳолат параметри бўйича ифлосланиш хавфи масштаби ва унинг юзага келиш эҳтимоли баҳоланади. Атроф муҳит компонентларининг нефть маҳсулотларини сингдириши, иммобилизация ва тарқалишга мойиллиги ҳам аниқлаштирувчи омилдир.

Ер юзасига яқин қатламдаги сизот сувлари ўзига нефть маҳсулотларини сингдирган ҳолда нафақат ифлосланади, балки уларнинг маҳаллий эрозия базисларига ўтишига сабаб бўлади. Бу ўз ўринда нефть маҳсулотларини ер юзасидан сув объектларига ювилиб келишидан мустасно эмас, балки маргинал сувларни дренажларга етиб боришини тезлаштиради.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Фарғона бассейни нафақат нефть маҳсулотлари билан ўзини ўзи ифлослантирувчи, балки Сирдарё оқими бўйича унга бўйсинувчи сув объектларини ҳам ифлослантиради. «Дўстлик» ва Жанубий-Мирзачўл канали магистралларида олинган сув намуналарида нефть 0,04 мг/л, феноллар < 0,005 мг/л тенглиги қайд қилинган.

Топилган концентрацияларни йиллик оқим ҳисобидан олсак, Сирдарё ўрта оқимига Фарғона бассейнидан йилига 540- 680 т. нефть тушади (оқим вариацияларини ҳисобга олган ҳолда). 40 мкг/л нефть дозаси, сув манбалари системасини хлорлаш билан сув заҳарланишининг олдини олганда, хлораминларга ёки токсинланган хлорбензол, хлоропен ва бошқаларга трансформация бўлиши мумкин, бунга эса йўл қўйиб бўлмайди.

Фарғона бассейни ер ости сувларининг нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши кўриниши сизот сувлари, уларнинг юқорига яқин қатламининг деярли ҳамма ерда нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши билан тарифланади.

Техник сабабларга кўра, чуқур ётган қатламларнинг нефть маҳсулотлари билан ифлосланишлар – кудуқларни турбалари орасидаги бўшлиқлари бўйлаб уларни конларига ва бошқа объектларига; литолого-фашиал хусусиятларга қараб – сизот ва босимли ер ости сувлари орасида кам сув ўтказувчи тоғ жинслар қатламининг йўқлиги сабабли юз беради.

